



ИСЛОМ БАНКЛАРИ ВА АНЪАНАВИЙ БАНКЛАР ЎРТАСИДАГИ АСОСИЙ ФАРҚЛАНИШЛАРИ

Турсунов Анвар Султонович,
DSc, доцент, Ўқув ишлари бўйича проректор
Ўзбекистон Республикаси банк-молия академияси
Email: office@bfa.uz, ORCID: 0000-0001-9556-4332
Тошкент, Ўзбекистон

Халилова Нилуфар Ахматовна,
Ўзбекистон Республикаси банк-молия академияси магистранти
Тошкент, Ўзбекистон

KEY DIFFERENCES BETWEEN ISLAMIC BANKS AND CONVENTIONAL BANKS

Tursunov Anvar Sultonovich,
DSc, Associate Professor, Vice-Rector for Academic Affairs
Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan
Email: office@bfa.uz, ORCID: 0000-0001-9556-4332
Tashkent, Uzbekistan

Khalilova Nilufar Akhmatovna,
Master's Student at the Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan

JEL Classification: E42,E43,E44

Аннотация. Ислом банклари фоиз (рибо)дан четланиб, фойда ва зарарни бўлишиши тамойиллари асосида фаолият юритади. Ушбу мақола исломий банкларнинг асосий принциплари, ижтимоий аҳамияти ва операция механизмларини конвенционал банклардан фарқли ўлароқ таҳлил қилади. Унда ислом банкларининг ахлоқий инвестиция йўриқномалари, молиявий ресурсларни тақсимлаш усуллари ва ижтимоий-иқтисодий адолатга таъсири ўрганилади. Тадқиқотда мудораба, мушорака, мурабаха ва ижара каби турли исломий молиявий маҳсулотлар ҳамда уларнинг турли минтақалардаги амалиётлари таҳлил қилинади. Ушбу жиҳатларни таҳлил қилиш орқали мақола ислом банкларининг иқтисодий барқарорлик ва ижтимоий адолатга қандай ҳисса қўшишини ва инклюзив молиявий муҳитни ривожлантиришини кўрсатади.

Abstract: Islamic banks operate on the principles of profit and loss sharing, avoiding interest (riba). This article analyzes the key principles, social significance, and operational mechanisms of Islamic banks, distinguishing them from conventional banks. It examines the ethical investment guidelines of Islamic banks, methods of financial resource allocation, and their impact on socio-economic justice. The study explores various Islamic financial products such as *mudarabah*, *musharakah*, *murabaha*, and *ijarah*, and analyzes their practices in different regions. By analyzing these aspects, the article demonstrates how Islamic banks contribute to economic stability, social justice, and the development of an inclusive financial environment.

Калит сўзлар: ислом банки, анъанавий банк, мудароба, мушорака

Keywords: Islamic bank, conventional bank, *mudarabah*, *musharakah*

Кириш. Анъанавий банк фаолияти фоизли қарз бериш орқали фойда келтирадиган лойиҳаларни молиялаштиришга асосланган. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Исломий банклар фоиз ёки рибодан четланиб, фойда ёки зарар асосида сармоя киритадилар. Одатдаги транзакциялар турлари ижарага бериш, сотиб олиш ва қайта сотиш (мурабаха ва ижара) ёки фойда ва зарарни бўлишиш (мудораба, ишонч молиялаштириш ёки чекланган шериклик ва мушорака, қўшма корхона) киради.

Исломий банклари ижтимоий аҳамияти анъанавий банкларга нисбатан унинг ижтимоий мақсадларидадир. Анъанавий банклар одатда бизнес ғоясига эга шахсдан молияланиш учун гаров ёки капиталга эга бўлишни талаб қилади. Лойиҳа фойда келтирадими-йўқми, фоиз доим ундирилади. Анъанавий банкнинг мақсади энг самарали ва маҳсулдор лойиҳаларни молиялаштиришдир. Албатта ривожлантириш нуқтаи назаридан, банклар лойиҳанинг муваффақиятли бўлишини хоҳлаши табиий. Бирок, ҳатто муваффақиятсиз бўлса ҳам, фоиз ва асосий қарзнинг қайтарилиши эҳтимоли мавжуд. Ислом банклари молиялаштирилиши эса, банк муваффақияти миждоз муваффақиятига тўғридан-тўғри боғланган бўлиб, улар фойдани бўлишишлари мумкин, лекин зарарлардан ҳам улуш оладилар, шу тариқа фаолроқ роль ўйнайдилар.

Материал ва метод. Хориж олими Льюис таъкидлагинидек, анъанавий банклар орасида вақт ўтиши билан балансдан ташқари фаолиятлар муҳим аҳамият касб этади [1]. Анъанавий банклар сингари Ислом банклари ҳам операциялар ҳисобини юритиши мумкин [2]. Бу уларнинг балансдан ташқари

шартномалар, масалан, кредит хатлари, валюта айирбошлаш ва молиявий маслаҳатлар билан ҳам шуғулланишлари мумкинлигини англатади. Ислом банклари учун маблағ манбалари депозитларни ўз ичига олади. Исломий жорий ҳисобварақлар ҳеч қандай мукофот тўламайди ва фақат ликвидлик мақсадларида фойдаланилади, шунинг учун фойдани бўлишиш йўқ. Омонат ҳисобварақлари эгалари сармоялари учун ҳиба деб аталадиган қайтим олишлари мумкин. Инвестиция ҳисобварақлари омонатчилар учун юқори қайтим олади, лекин улар ҳам банк зарар кўрса, пул йўқотиш хавфини бўлишадилар. Шунингдек, йирик инвесторлар ёки институтлар учун қўшимча инвестиция ҳисобварақлари мавжуд бўлиб у одатда маълум бир йирик лойиҳа учун бўлади.

Шуни

таъкидлаш лозимки, анъанавий банкларга қараганда, ислом банкларида ахлоқий инвестиция йўриқномаси мавжуд. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ислом банкларида Қуръонга мувофиқ равишда, қимор, алкоголь ёки ахлоқсиз инвестициялардан сақланилади. Ижтимоий масъулиятнинг бир қисми сифатида, ислом банклари закот тўловларини, ёки хайрия мақсадлари учун ажратилган донорликларни ташкил қиладилар, бу кўпинча молиявий ҳисоботларда кўрсатилади. Бу ислом банк хайрия донорликларини аниқ белгилаганда, бошқа томонлар томонидан қўшимча закот тўловларини қўллаб-қувватлашга рағбатлантириши мумкин. Мусулмон истеъмолчилари Қуръонга мувофиқ тамойиллар орқали сармоя ёки қарз олиш орқали ўз диний талабларга мувофиқ бўлишга ёрдам беришлари мумкин [3]. Одатда, исломий банкларда амалиётларнинг Қуръонга



мувофиқлигини таъминлаш учун шариат кенгаши мавжудир.

Натижалар.

Шунинг учун, исломий банклар жамиятда анъанавий банкларга қараганда кучлироқ ижтимоий мақомга эга бўлишлари талаб қилинади. Аҳмад ва Ҳассан (2005) таъкидлашча, шариат принциплари ижтимоий адолатни талаб қиладиганлиги сабабли, исломий банклар ҳам бу масъулиятни зиммаларига оладилар, чунки:

а) Исломий банкларнинг маълум фалсафий вазифалари бор. Яъни, Худо барча ресурсларнинг Яратувчиси ва Ҳақиқий Эгаси эканлиги сабабли, муассасалар ёки шахслар жамиятда намояндалик вазифасини бажаришлари керак;

б) Ислом банклар ўз хоҳишларига кўра ҳаракат қилишлари мумкин эмас; балки улар ахлоқий қийматларни иқтисодий ҳаракатлар билан интеграция қилишлари керак;

с) Талант ва малакага эга бўлган, аммо анъанавий молиявий муассасаларга гаров қўйиш имкониятига эга бўлмаганларга кредит бериш, шу тариқа жамиятнинг асосий қаватларини мустаҳкамлаш;

д) Исломий шериклик ва ғамхўрлик концепцияси асосида жамиятда ҳамоҳанглик яратиш орқали иқтисодий, молиявий ва сиёсий барқарорликка эришиш.

1-жадвал

Ислом ва анъанавий банк фаолияти ўртасидаги фарқланишлар¹

№	Ислом банки	Анъанавий банк
1	Исломий иқтисодни ривожлантиришга қадам	Капиталистик фоизли молиявий тизимнинг бир қисми
2	Ижтимоий адолат/фойдали ишларни ёки шариат мақсадларини таъминлашга ҳаракат қилиш	Мавжуд эмас
3	Молиявий ресурслар оқими камбағал ва ночор аҳолига йўналтирилган	Мавжуд эмас
4	Даромад тенгсизлиги ва бойлар ва камбағаллар ўртасидаги бойлик фарқини камайтириш учун инвестиция режаларини тайёрлаш ва амалга ошириш	Мавжуд эмас
5	Мол-мулксиз, камбағал, лекин жисмонан соғлом кишилар учун инвестиция фондлари ташкил этиш	Фақат бой қатлам учун
6	Ишлаб чиқариш ва инвестицияда шариат томонидан белгиланган қонуний ва ноқонуний мезонларга риоя қилиш	Мавжуд эмас
7	Мудароба ва мушорака асосида инвестиция режаларини амалга ошириш, камбағал аҳоли учун даромад манбаини ошириш	Мавжуд эмас
8	Фоиз ва судхўрлик барча молиявий операцияларда чиқариб ташланади	Барча молиявий операцияларнинг фоиз асосида

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

9	Депозиторлар таваккалчиликни ўз зиммаларига оладилар, депозитни суғурталаш зарур эмас	Депозиторлар таваккалчиликни ўз зиммаларига олмайдилар, банк асосий суммани кафолатланган фоиз билан қайтаришга мойил
10	Депозиторлар ва тадбиркорлар ўртасидаги муносабатлар дўстона ва ҳамкорликчи	Кредитор-қарздор муносабати
11	Ижтимоий зарур инвестиция лойиҳалари кўриб чиқилади	Белгиланган фоиз меъёридан паст бўлган лойиҳалар кўриб чиқилмайди
12	Фоизни эксплуатация қилишни йўқ қилиш	Капиталистларнинг капиталини оширишга ёрдам беради
13	Исломий банк қарз берилгандан сўнг мижоз бизнесида шерик бўлиб, зарарни ўз зиммасига олади	Мижознинг ҳеч қандай зарарини ўз зиммасига олмайди
14	Исломий банк ҳар қандай эндоген ёки экзоген шокларни қабул қила олади	Мажбурият сабабли ҳеч қандай шокни қабул қила олмайди
15	Исломий банклар фойдага йўналтирилган молиялаштириш принципларини амалга оширишга содиқ	Мавжуд эмас
16	Банклараро операциялар фойда ва зарарларни тақсимлаш асосида фаолият юритади	Банклараро операциялар фоиз асосида фаолият юритади
17	Исломий банклар Шариат кузатув кенгашлари назорати остида ишлайди	Мавжуд эмас
18	Банк ва мижозлар ўртасидаги биродарлик муносабати сабабли ахлоқий хавф кўрсаткичлари пастроқ	Молиявий операциялар асосида бўлган муносабат сабабли юқори ахлоқий хавф
19	Спекуляция билан боғлиқ молиявий фаолиятлардан қочиш	Асосий вазифалар спекуляция билан боғлиқ
20	Банк даромаддан закот тўлайди ва мижозларни закот тўлашга илҳомлантиради, бу камбағаллар фойдасига даромадни қайта тақсимлашни таъминлайди	Камбағаллар фойдаси учун закот тизими йўқ
21	Бизнес сиёсатининг асоси камбағал гуруҳларнинг ижтимоий-иқтисодий раванкини ошириш	Фойда бизнеснинг асосий мақсади ёки акциядорларнинг қийматини максималлаштириш асосий вазифаси
22	Шариат ва фойдани амалга ошириш бўйича иккилик мақсад	Фойда қилиш ягона мақсад

Ислом банкиларининг анъанавий хусусиятлари қуйидаги жадвалда банклардан ажратиб турувчи асосий келтирилган (2-жадвал).

Ислом банкиларининг анъанавий банклардан ажратиб турувчи асосий хусусиятлари²

Тавсифлар	Исломий банк	Анъанавий банк
Талаб қилинадиган депозитлар бўйича кафолатланган тўловлар	Ҳа	Ҳа
Инвестиция депозитлари бўйича кафолатланган тўловлар	Йўқ	Ҳа
Депозитлар бўйича фоиз ставкари	Белгиланмаган, инвестиция депозитлари учун кафолатланмаган	Белгиланган ва кафолатланган
Депозитлар бўйича фоиз ставкасини аниқлаш механизми	Банк фойдаси, инвестиция даромадлари билан белгиланади	Банк фойдасига боғлиқ эмас
Депозитчиларнинг банк фойда ва зарарида иштирок этиши	Ҳа	Деярли йўқ
Исломий банк маҳсулотларидан фойдаланиш	Ҳа	Деярли қўлланилмайди
Банкнинг гаровга боғлиқ ҳолда кредит бериш ҳақида қарор қабул қилиш ҳуқуқи	Исломий банкнинг фойда ва зарарида депозитчилар иштирок этган ҳолда, банк асосан мижозларга нисбатан гаров асосида камситиш ҳуқуқига эга эмас	Ҳа, доимо

Ислом банклари икки босқичли мудораба ва вакала моделига асосланади (жадвал-3). Биринчи босқич мудораба инвестиция ҳисоб-рақами эгаси ва банк ўртасида тузилган шартномаларни англатади, унда ҳисоб-рақам эгаси капитални таъминлайди ва банк молия бошқарувчиси сифатида ҳаракат қилади. Иккинчи босқич мудораба банк ва мижоз ўртасида тузилган шартномаларни англатади, унда банк тадбиркорни молиялайди, тадбиркор эса бизнесни бошқаради [4].

Маблағларнинг бошқа манбалари Ислом банклари учун ўзига хос бўлган резервларни (фойдани тенглаштириш резервлари ва инвестиция хавфи резервлари) ўрнатишдан келиб чиқади, булар эҳтиёт режали инструментларнинг ўзига хос хусусиятларига эга бўлиб, улар капиталга киритилмаган. Ислом банклари ҳам Шариатга мувофиқ улгуржи молиялаштиришни жалб қилиши мумкин ва улар ликвидлик

² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

эхтиёжларини банклараро
мурабаха молиялаштириш
орқали қондиришади, бунинг катта

қисми Лондон метал биржаси
орқали амалга оширилади [5].

3-жадвал

Ислом банкининг баланси³

Активлар	Пассивлар
Нақд пул ва ликвид қимматли қоғозлар	Талабга кўра депозитлар (қарз ал-хасан, вакала)
	Банклараро мурабаха
Банклараро мурабаха	
Захиралар (кўчмас мулк, автомобиллар, товарлар ва ҳоказо)	Чекланмаган фойда тақсимлаш инвестиция ҳисоблари (мудораба)
Активлар билан таъминланган операциялар (мурабаха, ижара, салам ва истисно)	Чекланган фойда тақсимлаш инвестиция ҳисоблари (мудораба) Захиралар
Ҳисса иштирокининг молиялаштириш (мудораба, мушорака)	Акционерларнинг капитал ҳиссаси
Хизматлар учун ҳақ олиш (вакала, кафала)	

Маълумки, ислом молияси кўпинча Шариатга мувофиқ маҳсулотларни тузишни ўз ичига олади, улар анъанавий маҳсулотларга ўхшаш кўринади. Красикка ва Новак ҳамда Чонг ва Лиу га кўра, Ислом банклари Малайзияда анъанавий банклардан бирозгина фарқ қилади. Бек, Демиргуч-Кунт ва Мерруш ҳамда Чихак ва Ҳессе) томонидан олиб борилган илмий ишларда бизнес йўналиши, активлар сифати, самарадорлик ёки барқарорликда бир озгина фарқлар мавжудлигини таъкидлайдилар.

Икки банк модели

ўртасидаги ўхшашликлар, Ислом банклари томонидан инвестиция депозитлари учун тўланадиган рақобатбардош ставкаларнинг анъанавий банклардаги депозит ставкалари билан яқин мувофиқлиги, шунингдек, баланс варағининг актив томонида Ислом молиялаштириш ставкаларининг Либорга мувофиқ келиши натижасида юзага келади.

Данченко ўзаро интеграция жараёнларига алоҳида эътибор қаратиш кераклиги ва бир томондан, Европа банклари ўз маҳсулотларини Ислом

³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

қонунига мослашишини кузатаётганлиги ҳақида таъкидлаб ўтади [6]. Европа ва Ислом банкларининг механизмлари ва тамойиллари

интеграцияси доирасида шаклланган баъзи Ислом банк маҳсулотлари қуйидаги жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Бутун дунё бўйлаб кенг қўлланиладиган асосий Ислом банк хизматлари

Банк маҳсулоти	Банк маҳсулотининг хусусиятлари
Мудароба	Ишончли молиялаштириш. Банк бошқарувчи сифатида (депозиторнинг маблағлари билан ишлашда) ва кейинроқ мижоз сифатида (лойиҳани молиялаштиришда) иштирок этиши мумкин.
Мушорака	Банк ва тадбиркор ўртасида қўшма лойиҳа ёки транзакция амалга оширилиши.
Мурабаха	Асосан тўлов режасига асосланган “қўшимча қиймат” принципи бўйича операцияни (одатда савдо операциясини) молиялаштириш.
Ижара	Лизинг операцияси
Салам	Кейинчалик етказиб бериладиган товарлар учун олдиндан тўлов амалга ошириладиган шартнома.
Истисна	Савдо битимининг бир тури

Юсоф ва Вилсон ўз илмий ишларида ислом банклари ўз фаолиятларида икки асосий акция молиялаштириш шартномаси мавжуд, яъни, Ал-Мушорака (қўшма корхона фойдаси билан бўлишиш) ва Ал-Мудароба (ишончли фойда билан бўлишиш) деб таъкидлайдилар [7]. Вилсон қарз молиялаштириши Ал-Мурабаха (қўшимча қийматли транзакциялар), Ал-Ижара (лизинг операциялари) ва Ал-Ижара Ва Иқтина, кечиктирилган тўлов билан сотиш Бай Муажжал, кечиктирилган етказиб бериш билан сотиб олиш Бай Салаам ва буюртма асосида сотиш Бай Истисна ни ўз ичига олишини таъкидлайди [8].

Мунозара. Ислом ҳукукий фикрлашидан сотиб олиш ва сотиш тушунчалари анъанавий амалиёт билан деярли бир хил. Аммо, улар Ислом нуқтаи назаридан, Шариат қонун-қоидаларига

мувофиқ айрим чекловларга эга. Баъзи фарқлар қуйидагилардан иборат: а) Бизнес Шариатга мувофиқ бўлиши лозим. Сотиб олиш ва сотиш ёки бизнес турлари, масалан, риба асосидаги, кимор (казино) ва спиртли ичимликлар, ва Шариат томонидан рухсат этилмаган бошқа бизнеслар ҳаром ва тақиқланган ҳисобланади; б) Бу турдаги транзакция шартномаси ғарар (ноаниқлик)дан холи бўлиши лозим. Шариат қонунига кўра, ноаниқлик ва спекуляция билан боғлиқ ҳар қандай транзакция тақиқланади. Ноаниқлик элементлари, масалан, онасининг қорнидаги туғилмаган бужуни сотиш, дарёдаги балиқни сотиш ва бошқалар [9].

Хулоса. Исломий банклар ахлоқий инвестиция ва ижтимоий масъулиятга катта эътибор қаратадиган конвенционал банкларга нисбатан муқобил молиявий тизимни таклиф қилади. Исломий банклар



молиявий муваффақиятни ижтимоий-иқтисодий адолат билан бирлаштириб, инклюзив ва адолатли молиявий тизимга ҳисса қўшадилар. Бу мақолада исломий банклар ва анъанавий банклар ўртасидаги асосий фарқлар кўриб чиқилади. Исломий банклар рибо, ёки фоиз, ман қилинган бўлиб, активларни рибо асосида айирбошлашдан воз кечишади. Бундан ташқари, уларнинг фаолиятлари Шариатга мос келиши талаб қилинади, бу эса уларни ҳар қандай номуносиб

фаолиятлардан четлатади. Шунингдек, исломий банкларда ризо бўлиш ва шерикчилик асосида қурилган молиявий инструментлар, шу жумладан, мудораба ва мушорака, кенг қўлланилади. Анъанавий банклар эса асосан фоизли кредит бериш ва депозитлар орқали фаолият юритадилар. Ушбу фарқлар ҳар иккала молиявий тизимнинг асосий тамойиллари ва амалий жиҳатларини тушунишга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Mervyn K. Lewis. Islamic Banking Text is Free of Markings Edition (2001). Pearson edition. 59p.
2. Hasan, Z., & Choudhury, M. (2004). Operational Mechanisms of Islamic Banks. 32p
3. Ahmad, A., & Hassan, M. (2005). "Ethical Investment and Islamic Banking." 10p
4. Hesse, H., A. Jobst, and J. Sole, (2008), "Trends and Challenges in Islamic Finance," World Economics, No. 9 Vol. 2, pp. 175–93.
5. Hasan, M. and Dridi, J., (2011), "The Effects of the Global Crisis on Islamic and Conventional Banks: A Comparative Study," Journal of International Commerce, Economics and Policy, Vol. 2, No. 2, December 2011.
6. Danchenko E.A. The paradigm of the formation of modern Islamic banking. 2015.
7. Yusoff, R., & Wilson, R. 2006. The Deposit Models of the Conventional and Islamic Banks in Malaysia. Journal Centre for the Promotion of Knowledge & Language Learning, Vol. 11: pp. 123-144.
8. Wilson, R. 1997. Islamic Finance. FT Financial Publishing (Pearson Professional Limited), London, UK.
9. Warde, I. 2000. Islamic Finance in the Global Economy. Edinburgh: Edinburgh University Press.